Инв. № ... 03 НОЯ 198...

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 250 (6. 441) ◉ 1987 йил 4 ноябрь, чоршанба ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишлангав қўшма тантанали мажлиси 1987 йил 3 ноябрь куни, Москва, Кремлнинг Съездлар саройида давом этди.

Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Егор Кузьмич Лигачев раислик қилди.

СССР Олий Советининг депутати, Белоруссия ССР Гродно областидаги «Прогресс» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ А. И. Дубко нутқ сўзлади.

СССР Олий Советининг депутати, Совет хотин-қизлар комитетининг Раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ З. П. Пува Совет хотин-қизлари номидан тантанали мажлис қатнашчиларига мурожаат қилди.

Сўнгра Венгрия Социалистик ишчи партиясининг Бош секретари Янош Кадар, Италия Коммунистик партиясининг Бош секретари Алессандро Натта, Эфиопия ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Эфиопия халқ демократик республикасининг президенти Менгисту Хайле Мариам, Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти Николае Чаушеску, Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси революцион кенгашининг раиси Нажибулло, Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Нгуен Ван Линь, Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Монголия Халқ Республикаси буюк халқ хурали президиумининг Раиси Жамбин Батмунх ўртоқлар тантанали мажлисни табриклаб нутқ сўзладилар. Мажлис қатнашчилари ва меҳмонлари уларни қизғин кутиб олдилар.

Раислик қилувчи Совет Қуролли Кучларининг вакиллари тантанали мажлис қатнашчиларини табриклаш учун келганликларини маълум қилади.

Залда барча қўшин турларининг, Улуғ Октябрь ғалабаларини, совет халқининг меҳнати ва хавфсизлигини ҳушёрлик билан қўриқлаб турган социалистик Ватан мудофаачиларининг делегацияларини шон-шуҳрат билан бурканган жанговар байроқлар остида пайдо бўлишган эди. Мажлис аҳли уларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олади. Гвардиячи мотоўқчи дивизиянинг командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник ўртоқ В. Л. Неверов ҳозир бўлган кишиларга СССР Қуролли Кучларининг жангчилари номидан мурожаат этиб нутқ сўзлади.

Кундузги мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Л. Н. Зайков раислик қилди.

КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Олий Советининг депутати, В. И. Ленин номидаги Тбилиси электровозсозлик заводи электр монтажчиларининг бригадири ўртоқ Г. А. Метонидзе нутқ сўзлади.

Сўнгра КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Ўзбекистон ССР Сирдарё областидаги «Малик» совхози пахтачилик бригадасининг звено бошлиғи ўртоқ Т. Б. Қиргизбоева нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Олий Советининг депутати, СССР Ёзувчилар Союзи правлениесининг биринчи секретари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ В. В. Карпов совет зиёлилари, маданият арбоблари номидан тантанали мажлис қатнашчиларига мурожаат этди.

Шундан кейин йиғилиш аҳли қизғин кутиб олган қуйидаги ўртоқлар табрик нутқи сўзладилар: Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Куба республикаси давлат кенгаши ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Карлос Рафаэль Родригес, Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Али Салим Ал-Байд, Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети Президиумининг Раиси, Югославия Социалистик Федератив Республикаси Президиумининг аъзоси Бошко Крунич, Португалия Коммунистик партиясининг Бош секретари Алваро Куньял, Лаос Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош Секретари, Лаос Халқ Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Кейсон Фомвихан, МПЛА — Меҳнат партиясининг Раиси, Ангола Халқ Республикасининг Президенти Жозе Эдуарду Душ Сантуш.

Кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ В. И. Воротников раислик қилди.

Мажлис аҳли қизғин кутиб олган Корея меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Корея Халқ Демократик Республикасининг вице-президенти Пак Сен Чер, Германия Коммунистик партиясининг Раиси Герберт Мис, Камбоджа Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Камбоджа Халқ Республикаси давлат кенгашининг раиси Хенг Самрин, Никарагуа сандиночилар миллий озодлик фронти миллий раҳбарияти ижроия комиссиясининг координатори, Никарагуа Республикасининг Президенти Даниэль Ортега, Социалистик интернационал раисининг ўринбосари Калеви Сорса, Америка Қўшма Штатлари Коммунистик партиясининг Бош секретари Гэс Холл, Япония Коммунистик партияси Марказий Комитети секретариатининг раиси Мицухиро Канэко, Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Родней Арисменди ўртоқлар тантанали мажлис қатнашчиларига табрик сўзлари билан мурожаат қилдилар.

Кремлнинг Съездлар саройида икки кун тантанали ва амалий муҳит ҳукм сурди. Ишчилар ва колхозчиларнинг, фан ва маданият арбобларининг, қардош совет халқлари намояндаларининг нутқлари эришилган ютуқлардан фахрланиш, қайта қуришнинг мураккаб проблемаларини ҳал этиш тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан тўлиб-тошган эди. Мажлислар ўртасидаги танаффусларда мароқли фикрлашувлар ва таассуротларни ўртоқлашиш давом этди. Съездлар саройининг фойеси ва холларида ўртоқ М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари мажлис қатнашчилари ва меҳмонлари билан самимий, дўстона суҳбатлашдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси ёпиқ деб эълон қилинади.

М. С. Горбачев: «Улуғ Октябрнинг юз йиллигида учрашгунча хайр!» — дейди.

Кремлнинг Съездлар саройи гумбазлари остида партия гимни «Интернационал» тантанавор янграйди.

ЧИНАКАМ ЙЎЛЛАНМА

Биз театр санъатининг ишқорлари шу кунларда ўта тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мамлакатимиз халқлари ва бутун тараққийпарвар инсоният Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини нишонламоқда. Бундай буюк кунларда она-Ватанимизнинг пойтахти — Москва, Кремлнинг Съездлар саройида бўлиб ўтган қўшма тантанали мажлисининг материалларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдамиз.

Жонажон Коммунистик партиямизнинг раҳбари Михаил Сергеевич Горбачевнинг бу мажлисдаги доклади ленинчи партиямиз ва совет халқининг етмиш йил ичида босиб ўтган йўли ҳақида чуқур ва асосли таҳлил қилувчи программали ҳужжат бўлди. Бу докладда барча соҳадаги касб эгалари ва ижодий коллективлар олдига ғоятда шарафли ва масъулиятли вазифалар қўйилди. «Олимлар ва ихтирочилар, ёзувчилар ва журналистлар, рассомлар, артистлар, ўқитувчилар, маданият ва маориф турли соҳаларининг барча ходимлари қайта қуришнинг курашчилари бўлишга даъват этилганлар», деган сўзлар театр соҳасида меҳнат қилувчи биз ижодкорларга ҳам тегишлидир.

Театримизнинг ижодий коллективи шу кунниng талаби бўлган қайта қуриш ва жадаллаштириш ишига якдиллик билан қўшилиб, репертуарни томошабинлар дидига ва давр талабига мос келадиган асарлар билан бойитишга ва спектакллар кўрсатишдан ташқари корхоналар ва хўжаликларга бориб ҳақиқий маданий хизмат кўрсатиш ишига умумий сафарбарлик билан киришди. Коллективимиз қутлуғ юбилей арафасида пролетариатнинг улуғ доҳийси Владимир Ильич Ленин тимсолини акс эттирувчи «Хива ордени» саҳна асарини тайёрлаган эди. Бу янги асар томошабинларга биринчи марта намойиш қилинади.

Қ. МУҲИДДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта опера ва балет театрининг директори, Ўзбекистон ССР халқ артисти.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Ветеран ҳамиша сафда

Шу кунларда барча совет кишилари, бутун прогрессив инсоният КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси бой таассуротлари билан яшамоқда. Унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» мавзуида қилган доклади барча ветеранлар қаторида Иван Сергеевичда ҳам катта таассурот қолдирди.

— Унда мамлакатимиз тараққиётининг турли босқичларида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар чуқур таҳлил этиб берилди, қайта қуриш даврининг вазифалари конкрет белгилаб берилди,—дейди у.—Қайта қуриш — ўтган давр турғунлиги ва консерватизмидан халос бўлишгина эмас, социализмга янги сифат бахш этиш, ижтимоий турмушни демократлаштириш ва туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишни йўлидаги революцион қадам эканлиги таъкидланди.

Кекса большевиклар гвардияси вакили Иван Сергеевич Секретарёв меҳнат коллективларида, билим юртларида, мактабларда кўп бўлади. 1919 йилдан КПСС аъзоси И. С. Секретарёв партия ветеранлари шаҳар Советининг вазифаси ана шу конкрет масалалар асосида айниқса ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, пухта план асосида конкрет тадбирларни амалга ошириш, бу ишга муҳим ҳисса қўшиш деб билади.

Гражданлар урушининг қатнашчиси, Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси шу кунларда В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида ёшлар билан катта иш олиб боряпти, ўз тажрибаларини сўзлаб бермоқда. Коммунистлар авлодларининг ленинча ажойиб анъаналари ҳақида ҳикоя қилиб бермоқда. Унинг суҳбатлари доимо янгича ҳаётий рух билан суғориляпти. Бир сўз билан айтганда, партия ветерани ҳамиша сафимизда, у қайта қуриш даврига ҳамоҳанг одим ташлаяпти.

СУРАТДА: 1919 йилдан КПСС аъзоси Иван Сергеевич Секретарёв.

Р. Шарипов фотоси.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори

ЙИГИРМАНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Совети тўғрисида» Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Қонунининг 37-моддасига биноан **қарор қилади:**

1. Йигирманчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг учинчи сессияси 1987 йил 27 ноябрь соат 16.00 да чақирилсин.

2. Совет муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

— Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1987 йил учун ҳисоботи.

— Тошкент шаҳрини комплекс иқтисодий ва социал ривожлантириш 1988 йил плани тўғрисида:

— Тошкент шаҳрининг 1988 йилги бюджети тўғрисида ва Тошкент шаҳри 1986 йилги бюджетининг ижроси ҳақида.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси
Ш. МИРСАИДОВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари
В. МАНАСТИРЕТСКАЯ.

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

Байрам ярмаркалари

Шаҳримиз бозорларида байрам ярмаркалари очилди. Уларда республика барча областлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилади.

Ярмаркалар Акмал Икромов бозор филиалида, Тўқимачилар саройи майдонида, «Чилонзор» метро станцияси атрофида, Сергели район колхоз бозорида, авиасозлар турар жой массивида, Темирйўлчилар саройи майдонида, Қорақамиш, ГУМ майдонида, Юнусобод, Қорасув, Тошкент трактор заводи турар жой массиви бозорларида ташкил этилган бўлиб, уларда турли-туман ноз-неъматлар харид қилиш мумкин.

Азиз ҳамшаҳарлар, ярмаркаларга марҳамат қилинг.

Савдо хизмати

Тошкент шаҳар савдо бош бошқармаси ташкилотлари ходимлари байрам кунлари ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатишга тараддуд кўрдилар.

Шаҳримиз савдо тармоқларида байрам арафаси кунларида узайтирилган иш графиги асосида савдо хизмати кўрсатилади. 7 ноябрда иш соати 7 да бошланади. Ҳар бир район савдо бошқармасидан автомашинали буфетлар ташкил этилиб, намойиш қатнашчиларига савдо хизмати кўрсатилади.

7 ва 8-ноябрь кунлари аҳолига савдо хизмати кенг йўлга қўйилади.

Пазандалар таклиф этади

Байрамолди ва байрам кунлари шаҳримиз аҳолисига савдо хизматини йўлга қўймш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси коллективи қатор тадбирларни белгилади.

Байрам куни шаҳримизда 800 буфет, 80 автолавка ишлайди, 305 жойда палов дамланади, 305 жойда чойхона, 37 жойда эса буюртма столлари ташкил этилади.

Д. ОБЛАЕВ.

Каспаров—Карпов матчида

Кеча кечиктирилган саккизинчи партия давом эттирилди. 49-юришга борганда оқларнинг устунлиги яққол сезилиб қолди. Шу боисдан Карпов мағлубиятини тан олди. Ҳисоб тенглашди — 4:4. Бугун тўққизинчи партия ўйналади.

«Помир»—«Пахтакор»—1:1

Кеча биринчи лига коллективлари сўнгги тур учрашувларини ўтказишди. Душанбеда бўлган «Помир» — «Пахтакор» учрашувида 1:1 ҳисоби қайд этилди.



«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг боришн тўғрисида шу йил 3 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун мавсум бошидан буён

Хоразм	0,73	81,36
Бухоро	0,92	80,23
Сурхондарё	1,00	76,06
Тошкент	1,01	71,45
ҚҚАССР	0,92	70,76
Жиззах	1,68	69,10
Сирдарё	1,28	65,92
Фарғона	0,30	63,26
Қашқадарё	0,83	55,30
Наманган	0,35	54,97
Навоий	0,86	50,56
Андижон	0,06	49,89
Самарқанд	1,27	48,20
Республика бўйича:	0,83	64,34

БИЗ ҲАММАМИЗ ПАХТАКОРМИЗ

«Машъал» пешқадамлик қилмоқда

Жиззах область Арнасой районн хўжаликларида Тошкент халқ хўжалиги институтининг ҳашарчи студентлари ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Студент ҳашарчиларнинг ҳар бири кунига ўрта ҳисобда 60 килограммдан пахта териб, икки ярим минг тонналик хирмон уйдилар.

Социалистик мусобақа ғолиби, кўчма Қизил байроқ совриндори бўлган қишлоқ хўжалиги экономикаси факультети студент-ёшлари теримда жасорат кўрсатишмоқда. Уларнинг ҳар бири бу йилги мавсумда 1,5 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олган.

Студент теримчилардан Р. Усмонова, С. Худойберганова, М. Дониёров, С. Шайхова, Х. Рашидов, Р. Ниёзқулова, план-иқтисод факультетидан К. Иномова, З. Нурова, А. Мирзаев, Н. Муқимов, А. Ғаффоров, Г. Нуриллаев, М. Шерматов каби студентларнинг ҳар бири кунига 180—200 килограммдан пахта тераяпти. Улар социалистик мажбуриятларини бажариб, маррани 4—5 тоннага етказиш учун фидокорона меҳнат қиляптилар.

Қишлоқ хўжалиги экономикаси факультетининг «Машъал» отряди теримчилари институт ва факультет социалистик мусобақасида ғолибликни қўлдан бермай келмоқда. «Машъал» отрядининг командири Ҳамза Муҳаммаднев бугунга қадар «оқ олтин» хирмонига 2,5 тонна пахта тўкди.

Қишлоқ хўжалик отрядларига намунали раҳбарлик қилаётган институт ўқитувчилари ва доцентлари М. Усмонов, О. Машарипов, Т. Шоғиёсов, Н. Ҳакимов, Т. Козимов, А. Тоштемиров, Т. Каримов, Х. Раимов, Х. Хаитов ва С. Нуриддиновларнинг олиб бораётган ташкилий-тарбиявий ва сафарбарлик ишлари ютуқларимизнинг гарови бўлмоқда.

Институт қошида очилган хушовоз созанда Ҳ. Ҳамидов ва И. Мирсоатов раҳбарлик қилаётган «Лирика» ашула ва рақс ансамбли қатнашчиларидан ташкил этилган «Агитбригада» қатнашчилари ранг-баранг программа билан студентларни хушнуд этмоқда.

И. АШРАПОВА,
Тошкент халқ хўжалиги институти ходими.

СУРАТЛАРДА: институт студентлари пахта теримида.

Т. Каримов фотолари.





Тошкент большевиклари

1. Ғоялар жарчиси

Улуғ рус халқининг ўзбек халқи ҳаётида ўйнаган беқиёс роли Тошкент мисолида ҳам ёрқин кўриниб турибди. Фактларга мурожаат қилайлик. 1914 йилда Тошкентда еттита ўрта мактаб, тўртта етти йиллик ва 26 та бошланғич мактаб мавжуд бўлган. Уларда бор-йўғи 7,5 мингга яқин ўқувчи таълим олган. Тошкентда биттагина ўрта махсус ўқув юрти, театр ва музей, кутубхона мавжуд бўлган. Атиги 12 та даволаш муассасасида 278 та ўрин бор эди, холос. Бор-йўғи 40 врач, 115 нафар ўрта медицина хизматчиси иш олиб борган. Бу факт ва рақамларни ҳозирги Тошкент билан таққослаганда беихтиёр лабларда жилмайиш пайдо бўлади. Негаки, тарихан қисқа муддат ичида Тошкент алп қадамлар билан тараққиёт чўққиларига чиқди. Бу эса ўзбек халқининг Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар сингари ўз тақдирини улуғ рус халқининг тақдири билан бирга қўшгани натижаси бўлди. Жаҳон революцион тараққиётининг маркази бўлган Россияга қўшилиш Ўзбекистонга марксизм-ленинизм ғояларининг чуқур кириб келишига шарт-шароит яратди.

Марксизм-ленинизм ғояларини ёйиш ва пропаганда қилишда асримиз бошида Тошкент, Самарқанд ва республикамизнинг бошқа шаҳарларига сургун қилинган рус марксистлари жуда катта роль ўйнадилар. Натижада социал-демократик тўгарак ва группалар ташкил топди. Бу социал-демократик тўгарак ва группалар маҳаллий ишчилар ўртасида К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларини, шунингдек большевистик газеталар — «Искра», «Пролетарий», «Вперёд»ни тарқатдилар. Бу ташкилотлар Петроград, Москва, Боку, Тбилиси ва Россиянинг бошқа шаҳарларидаги социал-демократик ташкилотлар билан мустаҳкам алоқада бўлиб турдилар.

Шундай қилиб, орадан бирмунча вақт ўтгач, Тошкент социал-демократлари ўртасида большевиклар группаси пайдо бўлди. Бу группа чоризмга қарши курашда чиниқди, бой тажриба тўплади. Тошкент социал-демократлари Туркистондаги бошқа шаҳарларнинг социал-демократларига нисбатан катта миқёсларда пропаганда ишлари олиб бордилар, яширин адабиётларни нашр этдилар. Прокламация ва варақалар тарқатдилар. Маҳаллий миллатнинг энг илғор вакилларини революцион ҳаракатга актив жалб этдилар.

Булар — С. Қосимхўжаев, М. Мирҳодиев, Ю. Мусамуҳамедов ва бошқа ўзбек ишчилари эдилар. Улар социал-демократлар билан узвий алоқа боғладилар ва пропаганда-агитация ишлари олиб боришда уларга ёрдам бердилар. Уларнинг меҳнати енгил эмасди, албатта. С. Қосимхўжаев ва бошқалар рус социал-демократлари ёрдамида РСДРП (б) Устави ва программаси билан чуқур танишдилар. Рус социал-демократлари уларга Россиядаги революцион ҳаракат тўғрисида, маҳаллий революционерлар олдида турган вазифалар ҳақида сўзлаб бердилар. Рус большевиклари билан суҳбатлар таъсирида ўзбек илғор ишчилари туб аҳоли ўртасида агитация ишлари олиб бордилар.

2. Тошкент социал-демократик ташкилоти

РСДРПнинг Тошкент ташкилоти — Туркистон социал демократик ташкилотларининг маркази катта иш олиб борди.

Большевикларнинг зўр ғайрат билан иш олиб бориши натижасида меҳнаткашларнинг синфий онги мустаҳкамланди. Чоризм зулмига ҳамда маҳаллий бой-феодалларнинг зулмига қарши курашда бой тажриба тўпланди. Шуниси характерлики, Тошкент большевиклари деярли барча революцион чиқишларнинг ташаббускорлари бўлдилар. Тошкент ишчиларининг революцион кураши йилдан-йилга сиёсий жиҳатдан янада етук бўла борди. Курашларда чиниққан большевиклар бутун Ўрта Осиёда революцион ҳаракатнинг кенг тус олишига актив таъсир кўрсатдилар. Уларнинг революцион кураши Россия пролетариатининг кураши билан чамбарчас боғлиқ эди.

Рус пролетариатининг революцион ҳаракати Туркистон меҳнаткашлар оммасига таъсир кўрсатди. 1905 йилдаги биринчи рус революциясидан кейин Тошкент бутун Туркистонда ишчиларнинг уюшган революцион ҳаракатига асос солди. В. Д. Корнюшин бошчилигида шаҳар большевиклари Москва университетининг 150 йиллик юбилейини сиёсий митингга айлантирдилар. Митингда социал-демократлар большевик В. Д. Корнюшин таклифи билан резолюция қабул қилдилар. У ишчиларнинг сиёсий онги ўсишига ва революцион ҳаракатнинг янада кучайишига катта таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб, Тошкентда ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ишчи ва солдатларнинг революцион чиқиши кучайди. Уларнинг ҳаракатлари «Йўқолсин самодержавия!» шиори остида ўтди. Тошкентнинг революцион тарихида бундай катта намойишлар жуда кўп бўлди.

Тошкент большевикларининг революцион ҳаракатлари ҳар қандай таҳдид ва таъқибларга қарамай бўшашмади, аксинча бу ҳаракат тобора кенг ёйила борди. Тошкент бутун Туркистондаги революцион ҳаракатнинг ўчоғига айланди. Тошкент ўлкада ҳамиша революцион ҳаракатда етакчи роль ўйнади.

Ҳ. АКРОМОВ.

Бунёдкор


№ 11



ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРГА







Ҳисса

«Жанубий Луначарский шоссеси» массиви қатор қулайликларни ўзида мужассамлаштирган замонавий турар жой бинолари ҳисобига йил сайин кенгайиб, чирой очиб бормоқда. Бунёдкорларнинг зарбдорона меҳнатлари эвазига ой сайин бу ерда янги уйлар қад кўтаряпти. Бу борада айниқса 1-уйсозлик комбинатига қарашли 2-монтаж бошқармасининг бинокорлари алоҳида ғайратшижоат кўрсатишмоқда.

Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллик юбилейи шарафига олган социалистик мажбуриятлари бандларини тўла адо этиб боришмоқда. Бунинг эвазига қурилиш-монтаж ишлари тобора жадаллашаётир. Қолаверса иш сифати ҳам юқори бўлмоқда. Ҳозиргача бу қурилиш ташкилоти бинокорлари томонидан массивда ишга туширилган замонавий уйларнинг сони 20 тага етди. Шонли тантана арафасида яна бир янги уй шаҳарликларга туҳфа этилади.

Р. АЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: Сергей Раҳмонов бошчилигидаги комплекс бригаданинг моҳир монтажчилари Владимир Шустов ва Валерий Майоров; тунгги сменада: янги қурилаётган бинонинг ташқи кўриниши.

Т. Каримов фотолари.

Уй тўйлари яқин

Яқин ойлар ичида тўққиз қаватли яна бир янги турар жой биноси шаҳарликларни ўз бағрига олади. Октябрь районининг Хуршид кўчасида барпо этилаётган иккн корпусли бу объект 62 квартирадан иборат. Унн тиклашда 2-уйсозлик комбинатига қарашли 60-қурилиш бошқармасининг монтажчилари алоҳида ғайрат-шижоат кўрсатишмоқда. Улар қурилиш-монтаж ишларнин сифатли адо этиб, смена нормаларини мунтазам ортиғи билан бажариб бормоқдалар. Бунинг натижасида қисқа муддатдаёқ қурилиш майдонида пардозловчилар учун кенг иш фронтинн яратишга муваффақ бўлиндн.

«1-ТСП» сериясида қурилаётган бу янги уй катта ва кичик оилалар учун барча қулайликларнн ўзида мужассамлаштирганлиги билан ажралиб туради. Қурилиш-монтаж ишларнни жадаллаштирш билан бир қаторда объектда айни вақтда пардозлаш ишлари ҳам уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Айниқса, Геннадий Свешников бошлиқ бригада дурадгорлари ишни кун сайин қизғин паллага кирнтишаётир. Гарнэл Сатинбоев бошлиқ бригада пардозловчиларн эса хоналарнинг ичнин пардоздан чиқаришмоқда.

Янги уй ишга туширилгач, унда яшовчилар бинонинг остида қурилган сартарошхона ва омонат кассаси хизматидан ҳам фойдаланадилар.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТЛАРДА: дурадгор Г. Набиев иш устида; қурилиш объектининг ташқи кўриниши.

Автор фотолари.



Натижалар қувонтиради

Мирзаахмедов кўчасида яна бир шинам бино қад кўтармоқда. У тўла ишга туширилгач 221 ўринли ётоқхонага айлантирилади. Барча қулайликларга эга бўладиган бу файзли маскан ҳозирданоқ кўпчиликнинг эътиборини жалб этмоқда. Ётоқхона қурилишини 4-қурилиш трестига қарашли 18-қурилиш бошқармасининг Владимир Мехов бошчилигидаги комплекс коммунистик меҳнат бригадаси қурувчилари олиб бормоқдалар. Ҳозирги кунда улар темир конструкциялар монтажини тугаллай деб қолишди.

Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллик тўйини муносиб кутиб олишни ўзларининг шон-шараф ишига айлантирган бинокорлар эришаётган натижалар ҳам қувончли бўлмоқда. Яқинда улар ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили план-топшириқларини муваффақиятли адо этганликлари ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар. Қурилиш ишларини тез ва сифатли адо этишни кўзлаб меҳнат қилаётган бинокорларнинг бу меҳнат зафарида янги усулларни кенг қўллаш алоҳида самара беради. Ана шундай қулайликларнинг бири Злобин методи асосида иш юритишни такомиллаштиришдир. Бунинг учун аввало коллективдаги қурувчиларни турдош касбларни ўзлаштиришга жалб этиш тақозо қилинади. Бунга муваффақ бўлган азамат бинокорлар айни кунларда смена нормаларини ортиғи билан адо этмоқдалар. Айниқса, бетончи Абдувоҳид Собиров, монтажчи Владимир Назаров ва Виктор Хайнов каби меҳнат илғорлари бу борада жонбозлик кўрсатишяпти.

М. ФЕЛЬДМАН.

Лойиҳа устахоналарида

Гулистон шаҳри учун



Қишлоқ меҳнаткашларига ёрдам кўрсатишда тошкентлик меъморлар ҳам четда қолишмаяпти. Яқинда «Уз. НИИПгродостроительство» лойиҳа институтининг 3-архитектура қурилиш бўлими 1-устахонаси меъморлари Гулистон шаҳрида бунёд этилажак 200 ўринли меҳмонхона лойиҳасини тайёрладилар. Бинонинг асосий қисми олти қаватли. Баланд бўлмаса-да, архитектура кўриниши жиҳатидан замонавийдир. Лойиҳани бош архитекторлар Р. Блезэ, И. Бревлавец, Т. Абрамова, бош инженерлар Р. Ким, Г. Бондаренко, О. Браверман ва Н. Зокировлар яратишган. Меҳмонхонада яшовчилар учун барча қулайликлар бўлади. Янги меҳмонхона шаҳарнинг бош планига кўра В. И. Ленин майдони атрофидан ўрин олади.

Меҳмонхонадан ташқари тошкентлик меъморлар Ялонғоч посёлкасида Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги ходимлари учун юз ўринли профилакторий лойиҳасини ҳам яратиб бердилар.

СУРАТДА: Гулистон шаҳрида қуриладиган 200 ўринли меҳмонхонанинг лойиҳадаги кўриниши.

Ер юзи Октябрь байрамини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда

⊙ АККРА. Гана пойтахтида очилган конференция «Улуғ Октябрнинг Африкадаги озодлик курашига таъсири» мавзуига бағишланган.

1917 йилнинг Октябрида жаҳонда биринчи меҳнаткашлар давлати бунёд этилганида Африкадаги кўпчилик мамлакатлар мустамлакачилик эриша олмаган бўлур эди, деди конференцияда Гана иқтисодий ҳамкорлик ишлари давлат комитетининг секретари Эрик Дон-Артур. 70 йил мобайнида СССР Халқаро майдонда ниҳоятда муҳим роль ўйнаётган қудратли социалистик давлатга айланди, деб таъкидлади. Совет Иттифоқи ўзи бунёд бўлган биринчи кундан бошлабоқ эзилган ва эксплуатация қилинган меҳнаткашлар адолатли курашининг ишончли таянчи бўлиб келмоқда. СССРнинг муваффақиятлари Африка ва бошқа қитъаларнинг халқларига мустамлакачилик ва ирқчиликдан узилкесил халос бўлишда умид бахш этмоқда, мазкур муваффақиятлар миллий қурилиш ишидаги ғалабаларнинг гаровидир.

* * *

⊙ ХАНОЙ. «Октябрь ва ҳозирги замон» — Вьетнам пойтахтидаги Вьетнам — Совет дўстлиги номли касаба союзлари маданият саройида очилган фотокўргазманинг мавзуи ана шундай. Мазкур кўргазма Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган.

Суратларда Совет давлати тарихининг турли даврлари акс этган, уларда Улуғ Октябрь революцияси қаҳрамонларининг ва ана шу революция ишини давом эттираётган замондошларимизнинг образлари яратилган. Кўргазманинг анчагина қисми ҳар томонлама Совет—Вьетнам ҳамкорлигига бағишланган, ушбу ҳамкорлик Вьетнамда социалистик қурилишни муваффақиятли олиб боришнинг муҳим омилидир.

* * *

⊙ ЛОНДОН. В. Ж. Кирнэннинг «Таймс» газетасида эълон қилинган мақоласига «Жаҳон нима учун Россиядан миннатдор» деб сарлавҳа қўйилган. Эдинбург университетининг тарих фани фахрий профессори бўлган мақола муаллифи октябрь революцияси туфайли келган жаҳонда биринчи социалистик давлат ... ҳамиятга эга эканлиги ҳақида ёзади.

Ёш Совет мамлакатидан кечирган оғир синовларга қарамай, бу давлат тарихи «Ўз ... кўра тараққиёт даврлари ҳад-худудсиз қийинчиликлар рўпарасида инсон қобилиятларининг ғалабасидир, қийинчиликларнинг ... гинасини бартараф этиш тўғри келади», — деб ... ради мақола автори. Совет ... кур тараққиёт ёвузлик ... лан бўлинган бўлсада, ... ди мўғул истилоси ... қирғин келтирган ... листик дунё интегра... — бу тараққиётни ... олмади.

«СССРсиз Европада ... шистлар назорат ўрнатишга қарши мустаҳкам ... бўлмас эди», — деб ... кидлади профессор Ф. ... У фашизмнинг тор-мор ... лишини «Совет Иттифоқининг Европа ва ... олдидаги мисли кўрилмаган хизмати» деб атади.

Совет Иттифоқи ... маданий соҳада ва айниқса ахлоқий соҳада бўлаётган мусобақада ғарб мамлакатларига янги саҳифалар ... лаштириб олишга тўғри келаётганга ўхшайди, — ёзди инглиз тарихчиси ... қоласининг сўнгида. ... яна олға қараб бориш, ... тайёр эканлигини ... этмоқда ва бунинг ... хоҳиш-ирода ҳамда ... қодир бўлган халқ ... борлигини кўрсатмоқда.

* * *

⊙ ВЬЕНТЬЯН. Лаос ... таҳтидаги марказий ... концерт залида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган совет фильмлари ҳафталиги очилди. ... тьян, ЛХДРнинг ... ва жанубий вилоятлари ... лиси Совет кинематографчилари турли йилларда яратган 16 та ... кўрадилар. Томошабинлар жаҳонда биринчи социалистик давлат, В. И. Ленинннг ҳаёти ва фаолияти ... вет халқининг фидокорона курашлари, совет ... миятининг ҳозирги тараққиёти тўғрисида кўпгина ... саларни билиб олишлари ... ана шу фильмлар ёрдам ... ради.

Эртанги кун техникаси

Бу ердаги ҳамма нарса бамисоли эртакдагидек: пахта тозалаш саноати марказий илмий-тадқиқот институтининг тажриба пахта заводи — келажакдаги завод намунасидир. Бу ерда, агар таъбир жоиз бўлса, илм-фан ва конструкторлик тафаккурининг янгиликлари синовдан ўтади.

Пахта ортилган тележка автомат тарози устига келиб тўхтайди. Роботнинг металл қўллари юқоридан тушиб келиб, намуна олади ва қувурлар орқали уни лабораторняга юборади. Яна бир минут ўтгандан кейин пахтанинг намлиги, нфлосланганлиги даражаси, сорти аниқланади. Бу маълумотларни электрон ҳисоблаш машинаси дисплейга узатади. Беш йил асраш шарти билан машина ҳотирасига ўтказади ва уч нусхада накладнойлар ёзиб беради.

Шу тоцда бошқа манзарани ҳам кўз олдимизга келтирдик: пахта қабул қилувчи тележка олдига келади, пахтадан намуна олади, бу намунага тупроқ, ғўза барги, кўрак аралашган бўлади. Кейин у яна намуна олади. У билан бафслашадилар, намунани бошқа жойдан олишни илтимос қиладилар. Аммо пахта қабул қилувчи ўз билганидан қолмайди. Намуна қанча нфлосланган бўлса, ҳосилдан ҳам шунча «зговлаб» олинади. Бу эса заводга фойдалидир.

Хўжалик бригадирлари, раҳбарларининг фикрича, пахта қабул қилувчилар «оёғи олти, қўли етти» бўлиб нфлосланган ва нам намуна олишга ҳаракат қиладилар. Бунинг оқибатнда, айниқса мавсум охирлаб қолиб, ҳар бир килограмм ҳосил ҳисоб-китоб қилинаётганида жанжал чиқади.

Тажриба заводида «ишлаётган» роботни қаллобликда айблаб бўлмайди. Мазкур система анчадан бери синаб кўрилмоқда. ЦЕНИИхпром ва «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бу системани тезроқ ниҳоясига етказиб, жорий этсалар яхши бўлар эди.

Тележка тарозидан нари кетиб, эстакада олдида тўхтайди, пахта алоҳида идишга тўкилади, кейинчалик ҳом ашё лентали транспортер ёрдамида минг тонналик омборга бориб тушади. Бу ерда учта ғарам бўлади. Пахта, гар зарур бўлиб қолса, бу ердан тўппа-тўғри цехга юборилади. Бундай қурилма меҳнатни енгиллаштириш билан бир қаторда, йиғим-терим айни қизиган кезларда тайёрлаш пункти дарвозаси олдида турна-қатор навбат пайдо бўлишига барҳам беради.

Заводда анчагина янгиликлар жорий этилади. Олимлар ва конструкторлар тўқимачиларнинг эҳтиёжларига батамом жавоб берадиган машиналар системасини яратмоқдалар.

«Қизил тонг» реконструкция қилинмоқда

«Қизил тонг» тикувчилик бирлашмасида янги ускуналарни ўрнатиш учун ишлаб чиқариш майдонларини, инженерлик иншоотларини тайёрлаш бошланди. Янги ускуналарни Францнянинг «Клекнер ина» фирмаси етказиб беради.

Корхонада хотин-қизларнинг пальтосини тикиш учун энг янги машиналар ўрнатилади. Декабрь ойида бирлашмага янги техника етиб кела бошлайди. Фирма вакиллари бир йилдан камроқ вақт ичида монтаж ишларини тугаллашлари керак.

Корхонада ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда чет элдан келтирилган ускуналарни ишга тушириш кўзда тутилган. Бунинг учун меҳнат унумдорлигини ошириш резервлари фаол қидирилмоқда.

(ЎзТАГ).

Совет санъат арбобларига адрнинг мукофотлари топширилди

КОБУЛ. Афғонистон—Совет дўстлиги жамиятининг биринчи сон фахрий дипломи ва кўкрак нишони пайшанба куни совет ёзувчиси К. Н. Селиховга топширилди. У ҳозирги Афғонистонга бағишланган асарлари учун шу мукофот билан тақдирланди.

«Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги муносабати билан, —деди АДР тинчлик, бирдамлик ва дўстлик ташкилоти раисининг биринчи ўринбосари Асад Рох, —бизнинг ташкилотимиз ва Афғонистон—Совет дўстлиги жамияти Совет—Афғонистон муносабатларини ривожлантиришга ҳисса қўшган, АДРда рўй бераётган ўзгартишларни тарғиб қилаётган, мамлакатимиз тарихи, маданияти, адабиётига оид илмий асарлар ёзаётган совет гражданларига кўкрак нишони ва пул мукофоти топшириб, фахрий диплом таъсис этишга қарор қилдилар».

Номзодларни жамиятнинг, жамоат ташкилотлари ва ижодий союзларнинг, шу жумладан Афғонистон илмий ва ... вакилларидан иборат ... комиссия муҳокама қилди.

Афғонистонга оид ... асарлар ёзган Р. Т. Ар... вич, АДР театр санъатини ... вожлантиришга актив ... берган В. М. Богомолов, Афғонистон адабиёти ва фольклори соҳасида актив иш ... бораётган Г. Ф. Гирс, тасвирий санъат соҳасида туркум ... лар яратган К. В. Мусатов. Апрель революцияси тўғрисида туркум мақолалар ... Г. А. Мусаэлян, музика соҳасини тарғиб қилиш соҳасида актив иш олиб борган Ш. С. Сайфиддинов ва Ш. З. Бобохоновлар ... Афғонистон— Совет дўстлиги жамиятининг фахрий дипломларига сазовор бўлдилар.

К. Н. Селиховга фахрий диплом ва кўкрак нишонини ... ширишга бағишланган тантанали маросимда тинчлик, ... дамлик ва дўстлик ташкилотининг раиси Ҳабиб Маъруф сўзлади.

Календоскоп

ЮРАКНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

Америкаликлар ... сунъий органларни ... олиб протез қўйдириш ... мумкин! Ана шу операция рўйхатга олинган. Рўйхатдан ... дан қон томирлари, ... ва албатта юрак бериладиган бўлса, бу сунъий юрак ... лик мукаммал эмас. Бундай операцияларнинг ... тн бошқа мамлакатларда ҳам қилинмоқда. ... учун «Ю. С. Ньюс энд уорлд рипорт» журнали эълон қилинган рўйхат ... рика медицинаси ... ютуқларини реклама ... ни ўз олдига мақсад ... либ қўйган эмас. Бу ... чаки сунъий органлар ... нархи кўрсатилган ... дир. Ана шу рўйхатда ... сўнгги ўринни юракнинг ... бармоғи эгаллайди. У ... ний органлар ичида ... арзонлидир. Унинг нархи ... доллардан 4 минг долларгача. Бармоқ бўғинлари ... 1.200 доллардан 8 ... долларгача, қон томирлари ... 10 минг долларлан 20 ... турадн. Рўйхатдаги энг ... мат орган — у 90 минг ... юрак — у 90 минг доллар турадн.

ОКТЯБРЬ-БИЗНИНГ ТАҚДИРИМИЗДА



Мана бу икки суратга қаранг: икки дўст! Бирида — қарашлари жиддий, самимий икки ўспирин. Эндигина ўн саккиз баҳорни кўрган бу йигитчаларнинг кўзларида қатъият, ирода, аҳду вафо, садоқат ифодаси. Иккинчи суратда уларнинг ҳозирги ҳолатлари акс эттирилган.



Улар биринчи эди

«Зебуннисо» мактабининг қизлари

Улуғ айём — Октябрь социалистик революциясининг етмиш йиллиги арафасида инқилоб тарихини, ёшлик йилларим, тенгдошларим, мактабдошларим, ўқитувчиларим, ғамхўр тарбиячиларим бирма-бир кўз олдимдан ўтди. «Ким эдик, ким бўлдик» деган савол юракларимни тўлқинлантириб, ҳаяжонга солади, Октябрь қуёшидан баҳраманд бўлиб бахт-саодатга эришганимга минг бор шукроналар айтаман!

Совет давлатининг дастлабки йиллари... Мамлакатда очлик, вайроналик, ички ва ташқи душманларнинг ҳукуми. Ёш Совет давлати олдида сон-саноқсиз кечиктириб бўлмайдиган улкан вазифалар турарди. Партия ва ҳукумат ота-онасиз қолган болаларга ғамхўрлик қилишни ўзининг биринчи галдаги вазифаларидан қаторига қўйди. Улар учун болалар уйлари, интернатлар ташкил қила бошлади.

Мана, 1922 йилда Тошкентнинг Эски шаҳарида, Шайхонтоҳур даҳасида ҳам (ҳозирги Ҳамид Сулаймон номидаги қўлёзмалар институти ўрнида) меҳнат асосига қурилган Зебуннисо номидаги 2-қизлар мактаб-интернати ташкил топди. Интернатга республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан етимлар жалб қилина бошланди.

Интернатда турли миллат: ўзбек, қозоқ, татар, тожик қизлари бўлиб, ҳаммамиз бир оила аъзоларидек бир-биримизга меҳрибон, иноқ яшардик. Ўқитувчи ва тарбиячиларимизнинг аксарияти хотин-қизлар эди. Биринчи ўзбек шоирларидан Хосият Тиллахонова, Ойдин Собирова, опа-сингил Зулфия ва Зарифа Носирова, Муборак ва Иқбол Акбархўжаева, Марям Калонова, Манзура Янгилотова, Ойпошша Дадахўжаева, Тожихон Рустамбекова, Тожихон Абдуллаева, Олия Обузова, Анвара ва Зайнаб опаларнинг иш фаолиятлари шу ердан бошланган эди. Кейинчалик биринкетин эркак ўқитувчилар интернатга жалб этила бошлади. Тўхтаназар Шермуҳамедов, Аъзамхон Рустамов, Назрулло Ибодов, Тошпўлат Абдуллаев, Ҳожи Расулий, Субутий Долимов, Аъзам Ҳасанов ва бошқалар...

Интернатда Юсуф Калонов, Арслонқори ака, Лутфулла ака, Оқилхон Дадамуҳамедовлар директорлик лавозимида ишладилар. 1927 йилда интернатга ёш коммунист Зуҳра Алимова директор бўлиб тайинланди. Зуҳра опа келиши билан Сандуҳжаев ва Шокиров каби коммунистларни ишга таклиф қилди. Буларнинг келиши мактаб таълим-тарбия ишларида катта бурилиш йили бўлди.

Мактаб интернатда комсомол ва пионер ташкилотлари маҳаллаларда, завод-фабрикаларда ташвиқот-тарғибот ва маданий-оқартув ишлари олиб борар, маҳалла аёлларининг савод чиқаришларига яқиндан ёрдам берарди.

Интернатда ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик — «Кўк кўйлак» 1925—26 йилларда ўз фаолиятини шаҳар миқёсида бошлаб юборди. Саҳнамиз донмо Ҳамза Ҳакимзоданинг «Ҳой нишчилар» ва «Нишчилар уйғон» хори билан бошланар, бу хор давримизнинг гимнига айланиб кетган эди. Оташин шоирнинг «Ўзбекистон хотин-қизларига» шеърини мактабимизнинг хушовоз қизи, пионер вожатийси Ҳамида Аҳмедова куйлаганда ҳаммасининг вужуди қулоққа айланарди:

Келди очилур чоғинг,
Ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни
Ҳар томон паришон қил.

Бу 20 йилларнинг акс садоси. Бу сатрлар айниқса мазлумлар қалбига бевосита йўл топиб, уларни жаҳолатга, хўрликка, зўрликка қарши туғёнга чорларди. Кўпинча бундай концертлардан сўнг паранжилар ўтга ташланарди.

Ўша пайтларда «Ҳужум» компаниясининг энг қизғин пайти эди. Бир тўда қизлар озиқ-овқатларни ғамлаб мактаб аравасида Қибрай қишлоғига йўл олдик. Ранг-баранг суҳбатлар, тушунтиришлар, ҳовлима-ҳовли юришларимиз зое кетмади. Қишлоқда катта гулхан ёқилиб паранжилар ўтга ташланди, аёлларнинг чеҳралари алангада ял-ял ёниб, шодлик тароналари баралла янгради:

Паранжилар кул бўлди,
Озодлик замон бўлди.
Буни кўрган душманнинг,
Юрак-бағри қон бўлди.

Ҳамманинг диққат-эътибори ўйин-кулгида. Пайтдан фойдаланган қора ниятли ёт унсурлар қотилликка юз тутдилар. «Ётиб қолгунча — отиб қол» деб қизларни ҳоли тополмаган жаллодлар аравакашимизни чавақлаб ташладилар.

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Оловли ҳужумкор ёшлик йиллари ортда қолди. менинг синфдошларим — «Зебуннисо» мактаби қизлари улғайиб камолга етдилар, хилма-хил касб эгалари бўлиб, халқ хўжалигининг дарғали ҳамма соҳаларида узлуксиз меҳнат қилиб келдилар. Мана ўшалар: СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчилар, филология фанлари кандидатлари Гулсум Раҳимова, Шарифа Абдуллаева, Хосият Назарова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Тожи Аҳмедова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, техника фанлари кандидати Мунаввар Жамолова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач Тўхта Тожиева, медицина фанлари доктори Манзура Ҳамидова, врачлардан Ҳамида Рустамова, Мамлакат Муҳаммедхонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими Рухсора Раҳимова, Ленин орденининг биринчи кавалерларидан Ҳабиба Умарова, Қаҳрамон она Қундуз Умарова, журналист Комила Юмаева, ўзбек қизлари ичидан биринчи бўлиб етишиб чиққан рассом Шамсирўй Ҳасанова, жангчи-врач Умри Умарова, партия-совет ходимлари Қамара Маҳкамова, Комила Тожиева, Комила Қобулова, Ҳамида Аҳмедова, Жамила Ҳамдамова, Сора Фаттоҳ, шунингдек Фотима Юнус, Ҳафиза Холмат, Хожинисо Абдураҳмон қизи ва бошқа-бошқалар жамиятда ўз ўрнини топиб, ҳалол меҳнат қилиб келдилар.

Инқилоб йиллари аёлларининг ҳар бирининг ҳаёти бир тарих. Чунки Октябрь тенгдошлари бўлган бизлар социалистик қурилишнинг дастлабки даврларидан бошлаб ўтилган тарихий даврнинг жонли гувоҳи ва иштирокчиларимиз.

Инобат АСАД қизи,
Тошкент Давлат консерваториясининг ўқитувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, меҳнат ветерани ва шахсий пенсионер.

Инқилоб тенгдошлари

—МЕН отамни кўрмаганман, — деб сўз бошлади Акромжон. — Эндигина йигирма беш ёшга кирган отам оғир касалликдан сўнг вафот этганларидан кейин дунёга келган эканман. Тугилганимда Октябрь революцияси бўлган экан. Икки опам ва мен онамиз Сокинахон бағрида қолдик. Онам «Ҳужум» ҳаракатининг фаол иштирокчиларидан бири эдилар. 1929 йили биринчилар қаторида Тошкент областидаги Ворошилов номли коллектив хўжаликка аъзо бўлиб, хотин-қизлар бригадасида фаолият кўрсатганлар. 1930 йилда эса Ленин партияси сафига қабул қилинганлар. Кейинчалик узоқ йиллар ана шу колхоз раисаси бўлиб ишлаганлар...

Шу пайт суҳбатга Абдуазимжон қўшилди.

— Акромжон билан болаликдан бирга ўсиб, катта бўлганмиз, ўқиганмиз, — деди у. — Бир-биримизнинг уйимизга бориб, ётиб қолардик, бирга дарс тайёрлардик. Акромжоннинг оналари мени ўз ўғилларидек кўрар эди. Мен уни чин дилимдан «Она» деб атардим. Биз етти йиллик мактабни тугатганимиздан сўнг «Шамсул урфон» (кейинчалик Киров номи билан юритилган) мактабида ўқишни давом эттирдик. Шу ерда 10-синфни имтиёзли тугатганмиз. Бу мактабда таълим-тарбия олганларнинг кўпчилиги кейинчалик партия ва совет органларининг таниқли намояндалари, етук олимлар бўлиб етишиб чиқдилар. Улар орасида масалан, партия ва давлат арбоби Нуриддин Акромович Муҳиддинов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор Маҳамаджон Комилов ва бошқалар бор. Улар мактабимизнинггина эмас, бутун республикамизнинг фахридир.

Акромжон пионервожатий ва учком аъзоси эди. Унинг ташаббуси билан мактабда миллий музика тўгараги ташкил этилди. Унда Акромжон, мен ва яна бир неча ҳаваскорлар ҳафтада 2—3 марта йиғилишиб, ўзбек классик куйларини ўрганардик. «Баёт», «Дугох», «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Сувора» ва бошқа жозибали халқ куйларини... Акромжоннинг яхшигина овози бор эди. Қўшиқ куйлаганда бошқалар бошларини тебратиб ўтиришарди. Мен кўпинча қўлда дутор билан унга жўр бўлар эдим.

— Ҳозир қандай? Ҳали ҳам тўпланиб қолсангиз, қўшиқ хиргойи қиласизларми? — деб сўради ҳамроҳларимиздан бири.

—Қўшиққа меҳримиз сусайгани йўқ, — деди Акромжон кулиб.

Мактабдан кейин тақдир уларни турли жабҳаларга отди. Йўллари бошқа-бошқа бўлиб кетди. Акромжон Самарқанддаги ўзбек давлат университетининг медицина факультетига, Абдуазим Тошкент давлат педагогика институтининг филология факультетига ўқишга киришди. Шунга қарамай, доимо бир-бирлари билан хат олишиб, хабардор бўлиб туришди. Уларнинг дўстлиги ҳеч вақт узилмади.

Олий ўқув юртини битиргандан кейин Акромжон Тошкент областининг Бекобод райони касалхонасида бош врач ва хирург бўлиб ишлай бошлади. Абдуазим эса Қўқон давлат педагогика институтида ўқитувчилик қилди. 1939 йилда ўша ердан Совет Армияси сафига хизматга чақирилди. Бу орада Улуғ Ватан уруши бошланиб қолди. Абдуазим уруш охиригача Закавказье ҳарбий округидаги 505-авиабатальонда хизмат қилди.

Акромжоннинг жанговар йўли даставвал Ашхобод шаҳрида артиллерия полкининг кичик врачлигидан бошланди. Кейинчалик Фарғонада ташкил этилган миллий дивизиянинг 94-махсус ўқчи бригадасида хизмат қилди. Бу ерда ўзбек халқининг бўлажак генераллари Файзулла Норхўжаев ва Собиржон Охунжоновлар билан бирга хизмат қилди. Уларнинг бригадаси жангчилари Сталинград остоналарида мардлик, жасорат намуналарини кўрсатишди. 1943 йилнинг бошларида 54-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 58-медицина-санитария батальонида хирург бўлиб ишлади. Бу 54-дивизия Донбасс, Ворошиловград шаҳри яқинидаги Макеевка деган жойда ташкил қилинган эди. Дивизия Ленин ордени, Қизил Байроқ, Суворов ва Кутузов орденларига сазовор бўлиб, Макеевка ўқчи дивизияси деб аталарди. Бу дивизиянинг жанговар йўли Берлинга, ундан сўнг Прага шаҳригача давом этди.

— Акромжон ака, ғалабани қаерда, қай ҳолатда кутиб олгансиз — деб сўрадик.

— Бу шодиёна кунни Берлинда нишонладим. 1419 кеча-кундуз тинимсиз давом этган ҳаёт-мамот жангида ғолиб чиққанимизни эшитгандаги ҳолатимизни, қувончимизни ҳозир сўз билан ифодалаб бўлмайди: аммо кўпчиликнинг кўзида қувонч ёшлари бор эди.

Азиз оқшомхон, шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчимиз. Акромжон ака уруш давомида 10 мингдан ортиқ ярадорларни операция қилган.

...Худди кечагидек ёдида. 1942 йилнинг қаҳратон қиши эди. Дон қирғоқларида 40—45 даража совуқ, аччиқ изғирин. 94-махсус ўзбек ўқчилар бригадаси ҳам Сталинград ҳимоясида турарди. Учта палаткадан иборат медицина-санитария ротасида ярадорларнинг кети узилмасди. Ошқозонидан ўқ еган бир сержантни олиб келишди. Қорнини операция қилди. Нима бўлди денг? Ярадорнинг ошқозонидан ўқ билан бирга 15—20 дона бўғдой чиқди. Бечора солдат! Очликдан ўлмаслик учун қор остида қолиб кетган бўғдой бошоғини еган экан! Беихтиёр врачнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Бу воқеани у қуролдош дўстлари билан кўришганда, хат ёзишганда тез-тез эслайди...

Акромжон 1983 йили Макеевка шаҳрида қуролдош дўстлари билан учрашган эди. Яқинда — шу йилнинг 4—8 октябрида ҳам шундай учрашув бўлиб ўтди. Жуда таъсирли бўлди. 54-гвардиячи ўқчи дивизияси ветеранлар Советининг раиси С. С. Хивренко унга тез-тез хат ёзиб, ҳар байрамда табриклаб туради. Лекин дивизия командири, ажойиб инсон — генерал Даниловни у алоҳида мамнуният билан эсга олади. Бу жасур киши овозининг борича «Ватан учун, олға!» деб ҳайқирганида гўё ер кўк ларзага келарди, жангчилар немис-фашистлар устига шердек ташланганларини билмай қолишарди. Генерал уни ўз ўғлидек яхши кўрарди. Бир куни: «Сени Акром Бакирович» дейишга жуда қийналяпман. Хафа бўлмасанг, «Аркадий Борисович» деб чақирсам» деб қолди. Рози бўлди. Шу-шу жангчилар унга Аркадий Борисович, деб мурожаат қиладиган бўлишди.

Урушдан кейинги йилларда Акром Бакирович Акбаров Тошкент давлат медицина институти умумий хирургия кафедрасида хирург-ординатор, Охунбобоев номли республика медицина билим юртида ўқитувчи, Ялта шаҳридаги «Ўзбекистон» санаториясида бош врач, кейинчалик Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси медицина хизмати бошлиғи бўлиб хизмат қилди. Қаерда ишламасин, ўз ишига сидқидилдан ёндошди. Дўсти Абдуазим Шаропов эса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг аспирантурасида ўқиб, «Ўзбек совет прозасида жангчи-ватанпарвар образи талқинн» мавзуида кандидатлик диссертациясини ёқлади. Илмий ишига машҳур ёзувчимиз Ойбек раҳбарлик қилди. Кейинчалик «Совет мактаби» журналида тил ва адабиёт бўлимининг редактори ва «Ўқитувчилар газетаси» редакциясида бўлим мудири вазифаларида ишлади.

Акром Бакирович Тошкент давлат медицина институтининг 1-клиникаси бош врачи ўринбосари сифатида Улуғ Ватан уруши ветеранларини даволаш республика методологик марказига етакчилик қиляпти. Абдуазим Шаропов эса мана 26 йилдирки, Фридрих Энгельс номидаги Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтида ўзбек тили ва адабиётидан дарс бериб келади. Акромжон акада уч ўғил, икки қиз, 10 невара бор. Фарзандларининг ҳаммаси олий маълумотли, «ўзларидан тинчишган». Буни қарангки, Абдуазим акада ҳам беш фарзанд: тўрт ўғил, бир қиз. 13 невараси бор. Ў ҳам бола-чақаларидан тинчиган. Яна шуниси диққатга сазоворки, бугунги кунда ўзларининг 70 ёшларини нишонлашяпти! Ҳа, улар инқилоб тенгдошлари. Бу икки қадрдон дўст, коммунист, уруш ва меҳнат ветерани, табаррук ва пирибадавлат кишилар билан Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллик байрами айёмларида суҳбатлашар эканмиз, уларнинг жамоат ишларида ҳамон фаол қатнашаётганликларига рости, қойил қолдик.

Икки ветеран-коммунист тез-тез ёшлар орасида бўлишади. 1 даражали Ватан уруши орденлари, кўплаб медаллар нишондори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, фахрий темир йўлчи Акром Бакирович Акбаров, собиқ жангчи, ҳозир эса филология фанлари кандидати, етук олим, ўз умрининг 50 йилини ёшларга таълим-тарбия бериб, илм-маърифат нурларини сочишга бағишлаган мураббий Абдуазим Шаропов суронли ва даҳшатли урушинг жонли шоҳидларидир.

Одатда, жанговар хизмат қилган, уруш кўрган, унинг кўз ёшлари — машаққатлари, қурбонларини кўрган кишилар ҳақида ёзиш жуда қийин. Шу ўринда машҳур совет ёзувчиси Леонид Леоновнинг сўзлари ёдимизга тушди. Агар уруш бўлиб ўтган катта майдонга «Бу ерга 20 миллион совет киши дафн этилган» деб ёдгорлик лавҳаси ёзиб қўйилса, бу уруш ҳақидаги томтом гапларга тенг бўлур эди, деган эди. Бинобарин, ёнимизда, биз билан бир сафда Октябрь тенгдошлари, урушнинг жонли гувоҳлари яшаб, меҳнат қилишаётган экан, улар революцион тарихимиз, кураш ва зафарларимиз ҳақидаги юлаб саҳифаларга тенгдирлар.

Ҳамид ИКРОМОВ,
Искандар РАҲМОНОВ.
СУРАТЛАРДА: А. Акбаров (чапда) ва А. Шаропов. Суратлар 1935 ва 1987 йилда олинган.

Ветеранлар музей активи

Улуғ Ватан уруши жангларида Ленинград фронтида машҳур бўлган афсонавий бронепоезд макети Ўзбекистон комсомоли шон-шуҳрати музейининг юбилей экспозициясида жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бронепоезд «Комсомолец Узбекистана» деб аталган ва у Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонт заводи йигит ва қизлари тўплаган металл-ломдан ясалган.

Корхона тарихи тўғрисида ҳикоя қилувчи витрина янги экспозиция негизини ташкил этади. 1917 йилда айнан шу заводда олти дюмли тўп гумбурлатиб ўқ узган ва у Тошкент меҳнаткашларининг қуролли қўзғолони бошланишига сигнал бўлиб хизмат қилганди.

Бу ерга қўйилган ҳужжатларнинг кўпчилиги ёшларнинг ўша йиллар қаҳрамонона воқеаларидаги иштирокини акс эттиради, ёш ишчиларнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги меҳнат жасорати, шунингдек корхона комсомол ташкилотининг бугунги ишлари тўғрисида ҳикоя қиладн. Ҳужжатларни тўплашда завод ветеранлари кўмаклашдилар. Уларнинг орасида собиқ ишчи А. В. Комиссаров ҳам бор эди. У йигирманчи йилларда корхона комсомол ташкилотига бошчилик қилган, босмачилар тўдаларини яксон этиш бўйича операцияларда қатнашган, завод территориясида ўрнатилган Ўрта Осиёда Ленинга қўйилган дастлабки ёдгорликни тиклашда иштирок этганлардан, биринчи беш йилликлар зарбдори, ўз ёшлигини Ўзбекистонда социализм қурилишига бағишда этган саксон ёшли ветеран заводда ёшларнинг эътироф этилган мураббийсидир. У комсомол шон-шуҳрати музейи ходимларининг актив ёрдамчиси бўлиб қолди.

— Фаолиятимиздан мақсад экспонатларни тўплашгина эмас, дарвоқе, бизда улар 12 мингдан знёд,— дейди музей мудираси Имхаяа Розиева. — Асосийси — авлодлар алоқасини қўллаб-қувватлаш, ёшларни оталар жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш, йигит ва қизлар ташаббускорлигини рнвожлантиришдан иборат.

А. ИВАНОВА,
УзТАГ мухбири.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕҲНАТКАШЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ 1987 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

1987 йил 7 ноябрда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик байрами шарафига В. И. Ленин номли майдонда Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради ва Тошкент шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг намойиши бўлади.

Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради соат 10.00 да бошланади.

Намойишда иштирок этадиган меҳнаткашлар вакиллари корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бўйича йиғилиш пунктларида тўпланиб, белгиланган маршрут бўйича район колоннаари таркибида В. И. Ленин номли майдонга борадилар.

Таклиф билетлари бўлган кишиларни В. И. Ленин номли майдонга киритиш соат 9 дан 45 минут ўтганда тўхтатилади.

Махсус пропускга эга бўлган автомашиналардан ташқари барча турдаги транспорт воситалари ҳаракати шаҳарнинг марказий қисмида — А. Навоий, Энгельс, К. Маркс, Пролетар, Ш. Руставели кўчаларида, Ўзбекистон проспектида, В. И. Ленин номли проспектда соат 7.00 да тўхтатилади ва меҳнаткашлар намойиши тугагандан сўнг қайта тикланади.

Тошкент метрополитени 1987 йил 7 ноябрь куни эрталаб соат 6.00 дан кечаси 2.00 гача ишлайди. «Октябрь инқилоби» станциясининг фақат «чиқиш» қисми соат 8.00 дан 14.00гача ишлайди. Бу вақтда «В. И. Ленин номли майдон» ва «Пахтакор» станциялари ёпиқ бўлади.

ШАҲАР КОМИССИЯСИ.

ШАҲАР ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ИНСПЕКЦИЯСИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1987 йил 7 ноябрда В. И. Ленин номли майдонда байрам тантаналари ўтказилаётган пайтда шаҳарнинг марказий қисмида транспортлар ҳаракати соат 7.00 дан 13.00 гача тўхтатилади.

Шаҳарнинг марказий қисмини: Ш. Руставели, Муқимий, Халқлар дўстлиги, Лохутий, 1-Май, Пушкин, Новомосковская, Хуршид, Эргашев кўчалари, София проспекти, Уста Олим, Ойбек кўчалари бўйлаб айланиб ўтиш мумкин.

Соат 11.30 дан Б. Хмельницкий, Фурқат, Абай кўчалари, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги ва Космонавтлар проспектлари бўйлаб қўшимча транспорт ҳаракати очилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси.

ШУҲРАТ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

Танбур симлари

Қўшалоқ совуқ сим танбурнинг тори,
Гавдасин қарасанг бир ҳовуч ёғоч!
Лек унга танишдир ғамгузар зорн,
Гар ишқдан ўртансанг юрагингнн оч!
Ўт бўлиб ёнадн қўшалоқ сим ҳам,
Тилнигга чиқмаган дардинг айтадн.
Ўшанда дейсанки, меннинг ўзим ҳам,
Йўл топмас боғларга руҳим элтади.
Сен ҳаёл қилмаган юксакка чорлаб,
Ёғдуга кўмадн фикру руҳингнн.
Ва яна тепангда мақсаддек порлаб,
Нур билан эртар ғам-андуҳингнн.
Бу олам кўзингда қайта яшариб,
Ўзга бир жилода жилва қиладн.

Қалбингга номи йўқ сирлар яшириб,
Ҳар мушкул сўроғинг осон биладн.
Баъзида кўзингга қалқиб чиқса ёш,
Эзғилаб ташлама умид гулнин.
Энг оғир дамларда қилолган бардош,
Охири топади нурли йўлнни!
Кнм айтди ҳаётнинг барн гулзор деб,
Кнм айтди ҳар кунн қўшиғу яллаг
Кнм олса шодликнн қайғудан тортиб,
Ушанга ҳаёт дер: — Ҳа, баракалла!!!
Шодлигнн тўғони бузилиб кетса,
Оҳ урнб ўтирма, сен унн тузат,
Ишонма рақибинг ногоҳ қўрқитса,
Гар кучинг етмаса дўстга қўл узат!
Танбурга қулоқ сол: гоҳ ҳазнн, гоҳ шўх,
Иккала ҳолда ҳам дилнинга яқнн.
Ҳаётда ўзгармас руҳий ҳолат йўқ,
Булутда мавжуддир ёмғир ва чақнн!
Бу симлар қалб тнлн, ҳнсларнинг тнлн,
Руҳ тнлн, нур тнлн, ҳаяжон тнлн.
Ўй тнлн, дард тнлн, кўзларнинг тнлн,
Тнламоч зарурмас кенг жаҳон тнлн!
Шу оддий снмларнинг қудратнга боқ,
Олампнинг ташвишнн куйга солади.

Баъзида кўнглингга ёқади чироқ,
Баъзида ҳаётдан кўнглинг қолади.
Бу ҳаёт шунақа: ранг-баранг олам,
Эй, танбур, қанн кел, шўхроғнни ол.
Йўқ бўлсин дунёда нзтнроб, алам,
Барқ урсин шодлнкка тасаддуқ нқбол!

Сувнинг гинаси

Сув бўлиб пойингда оқиб ётсам ҳам,
Тош отиб лойқатма, беқадр қилма!
Мен сенинг гулларинг илдизида нам,
Шарбатин олгандир мендан нок, олма!
Агар мен бўлмасам балки ўзинг ҳам,
Шу ерда шод-хандон кулмасдинг шу дам.
Гарчи мен пойингда ётибман оқиб,
Кўзимнн узмасман йўлингга боқиб.
Майли сен кўтарма менн бошингга,
Лекин тош отмагил мағрур тўшимга!

Ҳамшаҳарларимиз хизматида

Газетхон илтимоси

Ҳурматлн редакцня! Баъзан уй-жойлардан фойдаланиш, электр ва иссиқлик тармоқларидаги камчнликларни бартараф этиш юзасндан қаерга кўнгироқ қилишни билмаймнз. Агар шу масалаларга даҳлдор ташкилотлар бўлса уларнинг телефон номерларнни газета орқали маълум қилишингизни илтимос қиламнз.

Б. ИСМОИЛОВ, С. АБДУЛЛАЕВ, ишчилар.

Аҳолига қулайлик яратиш, шаҳардаги барча авария-тиклаш хизматларининг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида туну-кун ишловчи шаҳар диспетчерлик хизмати ташкил этилган. Ҳамшаҳарларимиз вужудга келган барча масалалар юзасидан қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишлари мумкин: 33—15—90, 33—78—35, 33—78—95, 33—43—93, 33—67—59.

Квартиралар, уй-жойлар, инженерлик жиҳозлари эксплуатацияси билан боғлиқ масалалар юзасидан буюртмаларингизни уй-жойлардан фойдаланиш трестларининг авария-диспетчерлик хизматлари қуйидаги телефонлар орқали қабул қиладилар:

Акмал Икромов районн	74—27—61
Чилонзор районн	77—26—83, 77—03—03.
Ҳамза районн	96—59—90
Куйбишев районн	67—49—52
Фрунзе районн	55—70—92
Октябрь районн	42—03—81
Ленин районн	33—04—30
Киров районн	34—25—72
Собир Раҳимов районн	29—24—09, 29—26—28
Сергели районн	58—34—35.

Шаҳар уй-жой бошқармасининг масъул навбатчиси куну тун ишлайди. Унинг телефонлари: 33—82—01, 33—49—68.

«Ташгеплокоммунэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси барча районларда куну тун ташқи иссиқлик тармоқларидан фойдаланиш ва авария-тиклаш ишларини таъминлайди. Уларнинг телефон номерлари қуйидагича:

Акмал Икромов районн	74—82—94
Чилонзор районн	77—34—41
Ленин районн	33—72—48
Ҳамза районн	96—48—20
Куйбишев районн	64—51—98
Киров районн	34—13—31
Фрунзе районн	55—89—68
Собир Раҳимов районн	29—01—78
Октябрь районн	45—98—00
Сергели районн	58—09—95

Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси марказий авария-диспетчерлик хизмати телефонлари: 33—10—01, 33—44—44, 33—55—55, шаҳарни ёритиш идораси: 33—16—19, 33—35—34.

«Водоканал» трести ташқи водопровод тармоқлари эксплуатацияси ва ремонти ишларини куну тун таъминлайди. Унинг телефонлари:

Водопровод тармоқлари марказий диспетчерлик хизмати: 56—60—06, 33—15—95, 33—75—95.

Куйбишев районн 1-РЭЦн:	62—19—33, 62—19—34.
Октябрь районн 2-РЭЦн:	46—99—57.

Собир Раҳимов районн ва Акмал Икромов районининг бир қисми: 46—99—56.

Чилонзор, Фрунзе, Акмал Икромов районлари 3-РЭЦн:	78—82—17.
Ленин, Ҳамза районлари 4-РЭЦн:	96—24—32.
Киров районн 5-РЭЦн:	35—05—01.
Фрунзе районн 6-РЭЦн:	55—30—42.
Сергели районн 7-РЭЦн:	58—32—93.
Ташқи канализация бўйнча:	
Диспетчер:	35—43—79

Акмал Икромов, Чилонзор, Октябрь районлари 1-РЭЦн: 74—19—09, 74—19—11.

Киров, Собир Раҳимов районлари 2-РЭЦн: 35—61—83, 35—40—11.

Ҳамза, Куйбишев районлари 3-РЭЦн: 90—04—95, 90—04—89.

Сергели, Фрунзе, Ленин районлари 4-РЭЦн: 58—38—90.

«Электр тармоқлари корхонаси» шаҳар электр тармоқлари эксплуатацияси ва ремонти ишларини куну тун таъминлайди. Унинг телефонлари:

Акмал Икромов районн	74—14—81
Киров районн	24—62—93
Куйбишев районн	67—58—15
Ленин ва Ҳамза районлари	33—99—16, 33—43—10
Октябрь районн	42—46—95
Собир Раҳимов районн	42—47—70
Сергели районн	58—38—60
Фрунзе районн	53—60—47
Чилонзор районн	77—24—52, 77—19—72, 77—19—75.

Газ таъминоти, газ ускуналарининг ремонти бўйнча қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Авария-диспетчерлик хизмати «04»	53—56—31, 53—56—19
Акмал Икромов районн	47—18—29
Киров районн	35—06—75
Куйбишев районн	67—53—64
Ленин районн	56—70—65
Ҳамза районн	96—39—61
Октябрь районн	42—43—97
Собир Раҳимов районн	48—35—48
Сергели районн	58—84—33
Фрунзе районн	55—49—59
Чилонзор районн	77—09—22

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ

М. Қорнёқубов номли ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмаси
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
7-8 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА
УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ.
БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР ҚЎРИГИ-КОНКУРСИ ДИПЛОМАНТИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

Вокал-хореографик «ЛАЗГИ» ансамблининг КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Ортиқ ОТАЖОНОВ, Гулсара ЁҚУБОВА, Феруза СОЛИҲОВА.
Карфагенда бўлиб ўтган VIII Жаҳон фестивалининг лауреати
Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА
Москвада бўлиб ўтган Жаҳон фестивали лауреати
Отамурод ҲОЖИЕВ
Солистлар: Гулуммат СОБИРОВ, Феруза МИРҲАМИДОВА, Муаззам ҒАФУРОВА, Гўзал МАНСУРХЎЖАЕВА.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофотининг лауреати Равшаной ШАРИПОВА.
Балетмейстер — Темур ТИКОЕВ.
Музика раҳбари — Раҳматжон ҚУРБОНОВ.
Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ
1987 ЙИЛ 2-НОЯБРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРДИ

«БОСҚИНЧИЛИК»



Сценарий муаллифи — Л. СЛАВИН.
Режиссёр — Г. ПОЛОКА.
Ролларда: В. ВИСОЦКИЙ, Ю. БУРИГИНА, О. АРОСЕВА ва бошқалар.
Таниқли совет драматурги ва прозаиги Лев Славининг шу номдаги пьесаси асосида суратга олинган мазкур фильмда гражданлар уруши ва интервенция ҳақида ҳикоя қилинади.
«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«ҚАЛЛОБ ИЗИДАН»



Сценарий муаллифлари — В. ВЕСЕНСКИЙ, А. ЛАПШИН.
Режиссёр — А. ГРИКЯВИЧЮС.
Ролларда: А. ГРИКЯВИЧЮС, С. ШАКУРОВ, М. ВОЛОНТИР ва бошқалар.
Бу ўткир сюжетли детектив фильм неофашизмни фош этишга бағишланган.
«ЛИТВА» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«ҲАЁТ ЙЎЛДОШИМНИ ИЗЛАЙМАН»



М. Паниннинг «МАТЮШЕНКО СУКУТ САҚЛАШГА ВАЪДА БЕРДИ» повести асосида суратга олинган.
Сценарий муаллифи — А. Красильщиков.
Режиссёр — М. ЕРШОВ.
Ролларда: Ю. АСТАФЬЕВ, В. ТИТОВА, Ю. ЯКОВЛЕВА ва бошқалар.
Маълумки болалар уйида тарбияланаётган ҳар бир бола мўъжиза содир бўлишига: ажойиб кунларнинг бирида ҳамма нарса бирдан ўзгариб у ўзининг меҳрибон онаси ва отасини топишга умид боғлаб яшайди. Бахтимизга шунга ўхшаш воқеалар чиндан ҳаётда учраб туради. Ана шундай воқеа музикали драма жанрида суратга олинган ушбу картинада ҳам ўз аксини топган.
«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!
ЯНГИ МИКРОРАЙОН УЧУН ИНЖЕНЕРЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАРИ ҚУРИЛИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН
9 НОЯБРДАН 20 ДЕКАБРГА ҚАДАР
Морозов кўчаси бўйлаб қурилиш-монтаж ишлари олиб борилади.
Кўчанинг Победа кўчасидан то Мўминов кўчасигача бўлган участкасида ҳамма турдаги транспорт воситалари ҳаракати тўхтатилади.
4-АВТОБУС МАРШРУТИНИНГ ҲАРАКАТИ 1987 йил 9 ноябрдан бошлаб Чермет-Проект кўчаларидан Мўминов, Ф. Хўжаев, Победа кўчалари ва у ёғига маршрут бўйича ташкил қилинади.
Тошкент шаҳар ижроия комитетининг барча турдаги транспорт ишини координациялаш ва ривожлантириш бошқармаси.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИДА
ПУЛЛИК
ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИ ОЧИЛАДИ
6 ойлик январь ойидан, 3 ойлик март ойидан ва бир ойлик июль ойидан.
Техникум адреси: Тошкент шаҳри, Сарикўл кўчаси, 3-уй (161, 66, 55-автобусларнинг «Темир йўл транспорти техникуми» бекати). Телефонлар: 32-44-96, 32-40-85, 99-05-32.
Техникум ётоқхона билан таъминламайди.

СССР ДАВЛАТ ИНТУРИСТ КОМИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БЎЛИМИ
барча чет эл тиллари бўйича вақтинча таржимон-гидлар тайёрлаш курсларига
ТИНГЛОВЧИЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Ўқиш муддати — 3 ой.
Ҳужжатлар — 1987 йил 1 декабргача қабул қилинади.
Справкалар юзасидан қуйидаги адресда жойлашган таржимон-гидлар группасига мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Советская кўчаси, 2-уй. Телефон 33-75-07. подъезд, 5-хона.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ ИШГА ТУШИРИШ-СОЗЛАШ БОШҚАРМАСИГА:
созловчи-инженерлар ва 1 ва II категориядаги ҳамда категориясиз созловчи-техниклар
К Е Р А К
Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

«УЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР»
ЭСЛАТАДИ
Фойдаланилган электр қуввати ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш ҳар бир кишининг бурчи!
ЭЛЕКТР ҲАҚИНИ
ҲАР ОЙНИНГ
1-5 ЧИСЛОЛАРИДА
тўлов дафтарчасига ёзиш ва 5 кун мобайнида уни Тошкент давлат меҳнат омонат кассаларининг кирим кассаларига
ТЎЛАШ ЗАРУР
Агарда сиз фойдаланилган электр қуввати учун ҳақ тўлашни эсдан чиқарган бўлсангиз қарзингизни дарҳол узишингиз лозим.
ЕДИНГИЗДА БЎЛСИН: тўловлар ўз вақтида тўлаб борилмаса электр энергияси берилиши тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Тошкент область насос станциялари ва тик дренаж қудуқларидан фойдаланиш бошқармасига берилган ГТ-1 497637, ГТ-4976539, ГТ-1 4976540, ГТ-1 4976541, ГТ-1 4976547, ГТ-1 4976548, ГТ-1 4976550, ГТ-1 4976551 номерли меҳнат дафтарчаларининг йўқолган ТОЗА БЛАНКАЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

„ЭЛЕКТРОНИКА"
ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!
БАЙРАМ ОЛДИ КУНЛАРИ СИЗЛАРНИ «ЭЛЕКТРОНИКА» МАГАЗИН-САЛОНИГА
ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ
СИЗЛАР МАГАЗИНИМИЗДАН НАҚД ПУЛГА, ЧУНОНЧИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҚЎЙИДАГИЛАРНИ ҲАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:
— «Сервер» ва «Сияние» совға йиғмалари. Йиғмалар чиройли формада, рангли шишадан ясалган. Улар сизларнинг байрам дастурхонингизни албатта безайди. Йиғмаларнинг баҳоси — 8 ва 12 сўм;
— газ плиталар учун чақмоқ аланга олдиргичлар. Баҳоси — 5 ва 6 сўм.
Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефон 33-78-34.

Байрам дастурхонига

БАЙРАМ АРАФАСИДА ҲАР БИР УЙ БЕКАСИНИНГ ЮМУШИ КЎПАЙДИ. БАЙРАМ ДАСТУРХОНИНИ БЕЗАШ ШУНДАЙ ЮМУШЛАРНИНГ БИРИДИР.
«ХИЗМАТ-БЕМИННАТ» ФИРМАСИНИНГ БУЮРТМАЛАРИ САЛОНЛАРИ ЗАРУР ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИ ХАРИД ЭТИШ УЧУН САРФ БЎЛАДИГАН ВАҚТНИ ТЕЖАШГА ЁРДАМ БЕРАДИ.
Салонларда кундалик эҳтиёж учун керак молларга олдиндан буюртмалар қабул қилинади.
Буюртмалар салонларнинг ўзида ёки телефон орқали қабул қилинади.
Харидорларнинг истагига кўра харид қилинган моллар уларнинг уйига етказиб берилади.
ЭЪТИБОРИНГИЗГА «ХИЗМАТ-БЕМИННАТ» ФИРМАСИ МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАРИНИ ҲАВОЛА ЭТАМИЗ:
1-магазин — Подмосковная кўчаси, 57-уй. Телефон 74-79-79.
2-магазин — Муқимий кўчаси, 5-уй. Телефон 78-00-41.
3-магазин — Б. Хмельницкий кўчаси, 11-уй. Телефон 55-74-94.
4-магазин — Сарикўл кўчаси, 98-уй. Телефон 91-09-06.
5-магазин — Иззат кўчаси, 30-уй. Телефон 96-13-12.
6-магазин — М. Горький кўчаси, 89-уй. Телефон 62-63-24.
7-магазин — Навоий кўчаси, 20-уй. Телефон 34-82-74.
8-магазин — Хуршид кўчаси, 34-уй. Телефон 41-34-98.
9-магазин — Катта Олмазор трассаси— Телефон 48-40-31.
11-магазин — Энгельс кўчаси. Телефон 24-08-73.
13-магазин — Чилонзор массиви, 23-квартал, F. Ғулом кўчаси, 56-уй. Телефон 74-56-29.
12-магазин — Чилонзор массиви, 19-квартал, 16-уй. Телефон 76-82-17.



23-магазин — Абай кўчаси, 5-уй. Телефон 41-87-50.
27-магазин — Сергели массиви. Телефон 57-13-75.
«ХИЗМАТ-БЕМИННАТ» САВДО ФИРМАСИ.

Хушбўй ичимликлар



БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ ШИРИН ВА ХУШБЎЙ ИЧИМЛИКЛАРСИЗ ТЎКИН БЎЛМАЙДИ.
БУНИНГ УЧУН СИЗ «ТАРХУН», «ЛАЗЗАТ», «МАНДАРИНЛИ», «ПЕПСИ-КОЛА» ИЧИМЛИКЛАРИНИ; БОЛАЛАР УЧУН ЭСА УЗУМ, БЕҲИ, ОЛМА, ПОМИДОР ШАРБАТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШНИ УНУТМАНГ.
Чой ичилаётганда дастурхонга новвот, шарбат, козинаки, ёнғоқли халва, пашмак ва бошқа шарқ ширинликларини қўйиш одат тусига кирган.
ХУШБЎЙ ИЧИМЛИКЛАР ВА ШИРИНЛИКЛАРНИ
ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИНИНГ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
68 — Охунбобоев майдони,
10 — Марказ-14, 7-уй, Хадра майдони,
42 — Беруний кўчаси «Тинчлик» бекати.
11 — «МАРҲАМАТ» — Октябрь бозори.
ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

Ширинликлар

ХУШБЎЙ АЧЧИҚ ЧОЙНИ ПИРОЖЕНОЕ, БИР БЎЛАК ТОРТ, ПРЯНИК ЁКИ ПЕЧЕНЬЕ БИЛАН ИЧИШ КИШИГА ҲУЗУР БАҒИШЛАЙДИ.
Болаларга ўзлари севган шакар, асал ва ҳар хил мевалардан тайёрланган карамелларни ҳадя этиб, уларга шодлик улашасиз.
БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ УЧУН ШИРИНЛИКЛАРНИ СИЗ
ЛЕНИН РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИДАН
СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН
ЛЕНИН РАЙПИШЧЕТОРГИ.



Байрам қувноқ ўтсин десангиз...



ЁҚИМЛИ МУЗИКА, ДИЛРАБО ҚУШИҚЛАРСИЗ ҚАНДАЙ БАЙРАМ БЎЛИШИ МУМКИН? МУЗИКА КИШИГА ШОДЛИК ВА КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ БАХШ ЭТАДИ.
ГУМДАН СИЗ УНЧАЛИК ҚИММАТ БЎЛМАГАН «РОССИЯ-321» (баҳоси 84 сўм) СТЕРЕОПРОИГРИВАТЕЛИНИ ХАРИД ҚИЛИБ, ЎЗ КОЛЛЕКЦИЯНГИЗНИ КЛАССИК АШУЛАЛАР, БОЛАЛАРБОП ВА ЭСТРАДА ҚУШИҚЛАРИ ЁЗИЛГАН ПЛАСТИНКАЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШИНГИЗ МУМКИН.
Хушманзара табиат қучоғида дам олувчилар учун **«УФА-201», ВЭФ-214** кўчма радиоприёмникларини, **«ДОМБАЙ-303», «РОССИЯ-308», «ВЕГА-340»** транзисторларини
ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ Ў... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 4/XI да ... ҳақида афсона.
ҲАМЗА НОМИДАГИ Ў... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДР... ТЕАТРИДА — 4/XI да ... хизматчи, 5/XI да Кутлуг ...
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ... БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТР... ТРИДА — 4/XI да Ўзбек... ССР халқ артисти М. Раф... нинг ижодий кечаси, 5/... Нурхон.
ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВ... ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА ... 4/XI да Отасининг қизи (19... 5/XI да Чернобыль ал... (19.00).

Кино

5 НОЯБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Санъат саройи — «БОСҚИНЧИЛИК», «ҲАВФЛИ ГАСТРОЛЛАР» (11, 14, 17, 20.00); «... ГИ АФСОНАСИ» (12, 14... 19.30).
Чайка — «БОСҚИНЧИЛ... (11, 19.00), «ҚАРНАВАЛ» ... 16, 21).
Ватан — «ЎТА ЕҚИМЛИ ... МАФТУНКОР» (жуфт соат... да).
Нукус — «ҚЎЛГА ТУШ... ҚАСОСКОРЛАР» (11, 13, ... 20.45); «ЗЎР УТИРИБМИС... бек тилида, 15, 19.00 да).
Қозоғистон — «ҚА... ИЗИДАН» (11, 12, 13, 14, ... 18.30, 20.00); «ЭҲТИЁТ БЎ... ИЛОНИ» (ўзбек тилида ... 20.00 да).
Москва — «ҲАЁТ ЙЎЛ... ШИМНИ ИЗЛАЙМАН» (... соатларда ва 20.40 да).
Тошкент Советники 30 йи... лиги — «ҚАЛЛОБ ИЗИДА... (12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00).
Дружба — «МЕРСЕДЕС-... ГИ КИШИНИНГ ҲУНЖАТ... РИ» (13, 17, 21.00); «... ЙЎЛДОШИМНИ ИЗЛАЙМ... (11, 15, 19.00).
Восток — «ШАҲРИЗОДА... ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ» (11, 13... «ПРИЧАЛЛАР» (16, 18, 20.0...
ВЛКСМ 30 йиллиги — «П... ЧАЛЛАР» (жуфт соатлар...
Ўзбекистон ССР 25 йил... — «ДЕНГИЗДАН САДО» (... соатларда).
Лисунов номли — «АС... (тоқ соатларда).
Искра — «КУРЬЕР» (12, ... 16.00); «ЮЛДУЗ БЎ... ОСОНМИ?» (17.30, 20.00).
М. Шайхзода номли — «... ДИЛЛИК КЕЛИН», «КЕЛ... ЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» (ўзбек ... лида, 11, 13.30, 16, ... 20.45).
Ҳамза номли — «ҚУЗ УЙ... СИ» (12, 14, 16, 18, 20.00).
Янгиобод — «КУЗ УЙҚ... (18, 20.00); «РОССИЯ ... РИЯСИНИНГ ТОЖИ» (11, ... 16.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕР...
ТЕЛЕФОНЛАР:
Санъат саройи — 44-... 44-21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-38.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг 30 й... лиги — 78-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номли — 96-...
ВЛКСМ 30 йиллиги — 2... 52.
Дружба — 67-96-87.
Кинолаштириш бошқар... — 33-37-11.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИР... ДА — **Москва цирки артис... рининг гастроллари** (4, ... 19.30 да; 5, 6, 7, 8, 9/XI ... 16, 19.00 да).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА
Улуғ Октябрь социалистик революциясининг йиллигига бағишлаб
6, 7, 19, 24 ноябрь соат 19.00 да
ПРЕМЬЕРА
Ш. Холмирзаев.
«ҚОРА КАМАР»
(2 пардали драма).

Тошкент тўқимачилик саноат институти ректорати, партия комитети ва ёшлар союз комитети тўлиқ ишлаб чиқариш техникаси кафедраси мудири Ш. Р. Икромовга акаси
Ниҳом Ризаевич ИКРОМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника институти ректорати, партия ҳамда касаба союз ташкилотлари геология-қидирув факультетининг доценти Эргашевга отаси
Эраш МУСАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.
«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.
РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 33-57-..., шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-58-..., фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик ташкилотлари бўлими — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар бўлими —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 33-58-..., «Ташкентская неделя» рекламалар нловази — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.
Р. — 11092. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. 2503. Тираж — 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.